



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 05.01.2022 г. № 01/12-0076

между "HUDUDGAZTA'MINOT" АД и Мирзаобод туман МТБ на общую сумму 79999260,00

Глава

251

Казначейский лицевой счёт

100022860242287091100251017

(в суммах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)		Всего
	4222000		
Январь	10 428 000,00		10 428 000,00
Февраль	59 571 600,00		59 571 600,00
Март	9 999 660,00		9 999 660,00
Апрель			
Май			
Июнь			
Июль			
Август			
Сентябрь			
Октябрь			
Ноябрь			
Декабрь			
<b>Всего за год</b>	<b>79 999 260,00</b>		<b>79 999 260,00</b>

Всего 79999260,00 сум

Семьдесят девять миллионов девяносто девять тысяч  
двести шестьдесят сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы \_\_\_\_\_ сум или \_\_\_\_\_ % \*\*\* от общей суммы договора  
подлежат предоплате в январь мес. 2022 г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца.  
(Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика

М.П.



Главный бухгалтер заказчика

Уралов Элдор Фуломжонович

Ф.И.О.

(подпись)

Маматкулов Дишиод Абдурахмонович

Ф.И.О.

(подпись)

Принял работник казначейского  
подразделения

(подпись)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ г.

Получил работник  
заказчика

(подпись)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ г.



HGT

HUDUDGAZTA MINOT

АКСИЯДОРЕКЦИЯЫ АТЫ

**ТАБИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ  
ИСТЕММОЛЧИЛАРГА  
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ**

**ШАРТНОМАСИ**

**№ 01/12-0046**

**Гулистан - 2022йил**



**ТАБИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ ИСТЕЬМОЛЧИЛАРГА  
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ**

05.01.2022 йил

01/12-0076-сон

Гулистан шахар

Низом ва ишончнома асосида фаолият юритувчи "Худудгаз Сирдарё" газ тавминоти филиали(бундан кейин "Таъминотчи" деб аталади), раҳбари Ж.И.Хидиров, бир тарафдан, ҳамда Низом(Устав, Ишончнома) асосида фаолият юритувчи Муродбод чиңзор МТБ.  
(Истемолчи номи)

(бундан кейин "Истемолчи" деб аталади), раҳбари Ж. Чирасов.  
иккинчи тарафдан, қуидагилар хакида мазкур шартномани туздилар:

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Таъминотчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истемолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табий газ (кейнинг ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истемолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Таъминотчигазни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ курилмалари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейнинг ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истемолчи Таъминотчига тасдиқланган меъёрларга (Табий газдан фойдаланиш қондадарининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эктиёжни тақдим этади.

Истемолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истемол қилиниши таҳмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. 2022 йилда Истемолчига техник шартларда белгиланган босим бўйича кўйидаги газ ҳажми етказиб берилади:

I чорак	<u>01/12</u> минг куб.м:январь	<u>15800</u> февраль	<u>90160</u> март	<u>15151</u>
II чорак	— минг куб.м:апрель	— май	— июнь	—
III чорак	— минг куб.м:июль	— август	— сентябрь	—
IV чорак	— минг куб.м:октябрь	— ноябрь	— декабрь	—

1.5. Агар, Истемолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Таъминотчи томонидан чорак учун ажратилган табий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил микдорда тақсимланади.

1.6. Таъминотчи Истемолчи буюртмаларини табний газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида кайта кўриб чикиши мумкин. Истемолчи томонидан навбатдаги ой

2

(чорак) учун күрсатилган табиий газ хажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай холат ортикча олинган газ мидори деб хисобланмайди.

## II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Истемолчи томонидан газ тармокларига уланиш амалдаги табиий газдан фойдаланиш коидаларига мувофиқ амалга оширилади, бунда «Саноатгеоконтехназорат» ДИ рухсатномасизиз ва «Ўзнефтгазинспекция» худудий бўлимининг кўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги ҳамда ёкилгининг мукобил турларидан фойдаланиш тўғрисида холосасисиз газ сарфловчи ускуналарга табиий газ етказиб бериш такисланади.

2.2. Газ ушбу шартномада кайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва хажмлarda ҳамда ГОСТ 5542-2014(Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар)га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.3. Истемолчи Таъминотчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истемолчининг суткалик мөъёри доирасида газ кабул килиб олади, шунингдек, ой охирида тузиленган газ етказиб бериш ва кабул қилиш далолатномасини имзолайди.

Модем ўрнатган Истемолчиларой давомида истемол килган газ хажмини Таъминотчига электрон тарзда юбориши мумкин, ушбу газ хажми ҳакконий бўлган тақдирда, Таъминотчи уни ҳисботтга киритади, шунда Тарафлар Таъминотчи Истемолчига ой давомида ҳисботтга киритилган газ хажмини етказиб берганлигини тасдиқлайдилар.

2.4. Таъминотчи Истемолчига 24 соат ичидагаз етказиб бериш ва кабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганилиги тўғрисида барча усуулар оркали Истемолчини хабардор қилиши шарт.

Таъминотчининг авария-диспетчер ҳисматлари телефон ракамлари:  
104, (78)221-12-70, (78)221-12-13, (78)227-06-02, (78)221-12-74

2.5. Таъминотчи Истемолчини газ етказиб бериш кискартирилишига кадар камида 24 соат аввал бу хакида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истемолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дархол кискартирилади ёки тўхтатилади.

2.6. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларининг технологик иш режимлари бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа обьектларини ва аҳоли истемолчиларини бир маромада табиий газ билан таъминлаш максадидатъминотчи Истемолчини огохлантирган ҳолда газ етказиб беришини чеклаш ёки тўхтатиб кўйиш хуқуқига эга, Истемолчи эса захира ёкилги туридан фойдаланишга ўтади.

2.7. Истемолчи Таъминотчи билан газ етказиб бериш-кабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.8. Истемолчи захира ёкилги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли мидорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт.

Истемолчи Таъминотчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш коидаларига мувофиқ захира ёкилги ўтиши ва газдан фойдаланишини тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегиши далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.9. Истемолчи ўзига тегиши бўлган газ тармоклари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга ҳизмат кўрсатиш ҳамда саклаш учун жавобгар хисобланади.

2.10. Истемолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция килиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истемолчи Таъминотчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция килишга техник шартларни олиши шарт, техник шартларнинг берилиши Давлат ҳизматлари маркази оркали амалга оширилади.

2.11. Таъминотчи табиий газни ўртача суткалик норма доирасида ой мобайнида бир хил мидорда, истемол килишининг суткалик нормасидан камайтириш ҳисбига чекиниши зарурати бўлган ҳолатларда эса — томонлар ўртасида келишилган диспетчерлик жадваллари бўйича етказиб бериши, истемолчи эса (маншай истемолчилар ва умумий ҳисоб қуввати 100 кВтдан кўп бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасига эга оиласи корхоналардан ташкари) уни бўлиниш чегарасида ўрнатилган табиий газ истемолини ҳисбога олиш прибори оркали олиши шарт.

Газ таъминоти тапкилотларига ГТСнинг алоҳида чикиш газ қувурлари (нукталар) оркали етказиб берилган табиий газ хажмлари истемолчилар билан бўлиниш чегарасида ўрнатилган табиий газ истемолини ҳисбога олиш приборлари кўрсатгичларининг умумий йигинидиси бўйича аникланди. ГТСнинг алоҳида чикиш газ қувурлар (нукталар) ва истемолчилар билан бўлиниши чегарасида ўрнатилган табиий газ истемолини ҳисбога олиш приборларига кадар ўрнатилган бошка табиий газ истемолини ҳисбога олиш приборлари, газ таъминоти ташкилотлари билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш учун яроқсиз деб хисобланади.

Республика худули бўйича табиий газни етказиб беришнинг ойлик хажмлари «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Худудгаёттамонот» АЖ томонидан газ ташиш тизимининг ресурсе ва техник имкониятларидан келиб чиккан ҳолда аникланди.

2.12. Истемолчи ёки Таъминотчининг тўлов реквизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу хакида хабардор қилиши шарт.

2.13. Табиий газни қазиб олиш, кайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истемол қилиш режимининг ягона узлуксиз технологик жарабенини ҳисбога олиб, Таъминотчининг кўрсатмаларини бажариш Истемолчи учун мажбурий хисобланади.

## III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСБОГА ОЛИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисбога олмасдан етказиб беришга йўл кўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ мидори газ тармоклари бўлиниши чегарасида

ўрнатилган хисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича ўрнатилиши хисобланади хамда хар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва кабул аникланади билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлинини чегараси (Истъемолчи балансида бўлган газ тармогининг бошланиши хисобланаб) Таъминотчи ва Истъемолчи ўргасидаги, тегишилиги бўйича аникланадиган газ тармоғи бўлинини нуктаси хисобланади ва унда хисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик микдори стандарт шароитда 1 м<sup>3</sup> газ олиниди: харорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асоссан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) юйматлари бўйича тузатилади.

Газ микдори “Ўстандарт” агентлигининг меъёрий-хуқуқий хужожатлари талабларига мувофиқ газ микдорини стандарт шароитга автоматик равишда келтирадиган газни хисоблаш приборлари ёрдамида аникланади.

3.4. Таъминотчининг ёки Истъемолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулки хисобланади.

3.5. Истъемолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танлови тегиши коидалар ва меъёларга мувофиқ амалга оширилади ва Таъминотчи билан келишилади. Истъемолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ истъемолини хисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги коидалар ва меъёларга мувофиқ амалга ошириши керак.

Бунда табий газ истъемолини хисобга олиш приборларини таъмирлаш ва давлат киёсловидан ўтказиш сарф-харажатлари хисобга олиш прибори мулкдори томонидан копланади.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида О’з DSt 8.030:2008 “Ёқилги ва энергия. Хисобга кўйиладиган умумий талаблар”, О’з DSt 8.031:2008 “Ёқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жихозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя килиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва коидаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари “Ўстандарт” агентлигининг жорий киёслов кўригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг киёслов кўрикдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўстандарт” агентлиги белгилайди.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир кисми сифатида (киёслов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштироқида амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир кисми сифатида (киёслаш кўриги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ

ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштироқида амалга оширилади.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация килиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошка усулларини танлаша масалалари Таъминотчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вактида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Таъминотчи Истъемолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вактида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Таъминотчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга таъсир киладиган қисмларига Истъемолчи иштироқида ўрнатади ва тегиши далаолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлилига Истъемолчи жавобгардир.

3.15. Таъминотчи Истъемолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркиби кисмларининг тўғри ишлашини кузатиш хуқуқига эга. Шу билан бирга, Истъемолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Таъминотчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиксиз киришини таъминлайди.

3.16. O’z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида гайритабиий холатлар юзага келган такдирда O’z DSt 8.064:2017 бўйича газнинг микдори хисобланади (корректировка). Ўлчаш курилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига рухсатсиз аралашиш холатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун хисоб-китоб, куйидаги холларда тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши хисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни хисобга олмаган холда газ истъемоли – газни хисоблаш прибори ва газни сарф кишиш нормаси бўлмаганда, газни хисоблаш приборини четлаб ўтган холда истъемол қилиш (ноқонуний байпас линиялари улангданда) охириг хатловдан ўтказиш далаолатномаси тузилган кундан аникланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) хисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда - охириг хатловдан ўтказиш далаолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) хисобга олиш прибори бузилгандан (хисобга олиш прибори бузилганигини тасдиқловчи хужожатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган холда бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вактга;

г) хисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – киёслов кўригидан ўтказиш учун ечишганда – хисобга олиш прибори ечишган кундан “Ўстандарт” агентлигидан киёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган

кунгача бўлган вактга:

д) хисобга олиш приборини киёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – киёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан киёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечишган кунгача бўлган вактга;

е) хисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг кисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб, лекин бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вактга;

ж) хисобга олиш приборини ўзбошимча ечиб кўйилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аникланган кунгача бўлган вактга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ кувурларида ёки ГТПларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аникланган кунгача бўлган вактда;

и) газ хисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноконуний тарзда ташки таъсир кўрсатган холда табиий газни истеъмол килиш холатлари аникланганда – ташки таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлса), бирок даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) хисобга олиш приборининг хотирасида сакланадиган архив маълумотларини йўкотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимидан хисобот ойида маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки Таъминотчининг оператив журнallаридан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Хисоб-китоб учун ТГХНАТ (АСКУГ) тизими жорий килинган истеъмолчиларда хисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган холларда истеъмол килинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГХНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари хисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун хисоб-китоблар охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охирги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш хужжатларини расмийлаштирумасдан истеъмолчи томонидан кўшимча газ курилмаси ўрнатиш холати аникланганда (кўшимча газ аижомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётгандик факти бўйича асослантирувчи хужжатлар мавжуд бўлганида) - бир хисоб-китоб даврига;

н) газ узуб кўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан кайта уланганда, узиб кўйилган кундан бошлаб то аникланган кунга кадар.

**3.18. Истеъмолчининг хисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми хисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг мъёрий-техник хужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки**

чегарасида олинади.

**3.19. Таъминотчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборларининг ишлаши бузилган холатлар аникланганда, Таъминотчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлнималарида ўлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишини талаб килиш хукукига эга.**

Агар ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз холатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб килган Тараф томонидан амалга оширилади.

**3.20. Агар хисобга олиш прибори ишдан чикканда ёки хисобга олиш приборидан газ сизиб чикиш холатлари аникланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичida Таъминотчига бу ҳакла хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарни Таъминотчи билан биргаликда ўчириб тамгаланишини таъминилаши шарт.**

**3.21. Хисобга олиш приборларида газ сизиб чикиш холати аникланган тақдирда кайта хисоб-китоблар охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аникланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади.(O'z DS 8.586 га кўра газни аниклаш тизимлари герметик холатда бўлиши керак).**

#### **IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ХИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

**4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.**

**4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилиги томонидан амалдаги конунчиликка мувофиқ белгиланади.**

**4.3. Тарафларнинг келишувига мувофиқ, Истеъмолчи хисоб-китоб килиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ойлик газ ҳажми кийматининг 30% суммасини Таъминотчининг хисоб ракамига ўтказиб беришга келишидилар.**

**4.4. Истеъмолчи хар ойнинг 10 санасига кадар аввалги ойда истеъмол килинган газ учун якуний хисоб-китобни амалга ошириши керак.**

**4.5. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар хисоб-китоб килиш ойи тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний хисоб-китобни амалга оширадилар.**

**4.6. Табиий газдан фойдаланишида Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблаглар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблаглар эса келгусида газдан фойдаланишида хисобга олинади.**

**4.7. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишишмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги**

хажмлардан ортиқа олинган табиий газ кийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган түлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибида хисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг килиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алокадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмок, киска туташув ва х.к)даги техник носозликлар аниланганлиги сабабли истеъмол килинган табиий газ хажмини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича хисоб-китоб килиниши натижасида шартномадаги хажмлардан ортиқ хажмларни ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

**4.8.** Табиий газ учун Истеъмолчининг карзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчини хабардор килган холда карзни коплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида хисобга олинмайди.

**4.9.** Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ киймати ўз вактида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлади.

**4.10.** Хисоб-китоб ойида етказиб берилган табиий газ хажми Таъминотчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзив олиш (ТГХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол килишни хисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича хисоб-китоб киладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзив олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган холда киритиши орқали аниланади.

**4.11.** Шартноманинг 4.10-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига кадар Таъминотчи томонидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш-кабул килиш далолатномаси расмийлаштирилади ва унга асосан истеъмолчига электрон хисоб варак-фактура юборилади.

Модем ўрнатган Истеъмолчилар ой давомида истеъмол килган газ хажмини Таъминотчига электрон тарзда юбориши мумкин, ушбу газ хажми хақконий бўлган тақдирда, Таъминотчи уни хисботга киритади, шунда Тарафлар Таъминотчи Истеъмолчига ой давомида хисботга киритилган газ хажмини етказиб берганлигини тасдиклайдилар, унга асосан Таъминотчи Истеъмолчига электрон хисоб варак-фактурани юборилади.

**4.12.** Таъминотчи ва Истеъмолчи ўртасидаги хисоб-китобларнинг хақконийлигини таъминлаш учун хисбот даврида газни етказиб бериш-кабул килиш далолатномаси Истеъмолчига куйидаги техник хужоатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни хисоблаш прибори хотирасидан хисбот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчига тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоклари ва ГТКлардаги технологик

9

йўкотишларнинг хажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги;

Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоклари ва ГТКдаги технологик йўкотишлар Истеъмолчи хисобига олиб борилади.

**4.13.** Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечитирмасдан Таъминотчидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва кабул килиш далолатномасини кабул килиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Таъминотчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-кабул килиш далолатномасига асосан электрон хисобварак-фактурани кабул киласди.

Модем ўрнатган Истеъмолчилар ой давомида истеъмол килган газ хажмини Таъминотчига электрон тарзда юбориши мумкин, ушбу газ хажми хақконий бўлган тақдирда, Таъминотчи уни хисботга киритади, шунда Тарафлар Таъминотчи Истеъмолчига ой давомида хисботга киритилган газ хажмини етказиб берганлигини тасдиклайдилар, унга асосан Таъминотчи Истеъмолчига электрон хисоб варак-фактурани юборади.

**4.14.** Табиий газни етказиб бериш-кабул килиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ хажмлари учун тўловлардан озод қўлмайди. Узатилган ёки кабул килинган газ микдорини аниклашдан норози бўлган томон далолатномада порозилик сабабларини мажбурий акс этириш йўли билан хисоб-китоб килиш ойи тугагандан кейин 10-кунгача бошка томонга бу тўғрида маълум килиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Таъминотчи вакилига тақдим киласди. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибида кўриб чикилиши керак.

**4.15.** Истеъмолчидан дебитор карзларни ундириш Таъминотчи томонидан конунда белгиланган тартибида амалга оширилади.

**4.16.** Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган тақдирда, Таъминотчи бу хакидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор киласди. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида колади, истеъмол килинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у конунда белгиланган тартибида кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг аванс тарикасида тўланган хажми учун тўлов кунидан бошлаб кўпи билан кейинги 1 ой кўшимча тўлов тўлашдан озод килинади.

## V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН ПОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

**5.1.** Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17.-бандида кўрсатиб ўтилган хуқуқбузарликларга йўл кўйилиши, Таъминотчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

**5.2.** Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ хажми киймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

**5.3.** Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ

жакми кийматининг ундирилиши Истемолчини конунчиликда белгиланган жавобгарлиқдан озод кilmайди.

## VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истемолчидаги қуйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги хамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилгунига қадар газ тармокларидан узib қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар ва/ёки амалдаги конунчилик хужжатлари билан Истемолчи учун мажбурий бўлган, бирок мазкур шартномаданазарда тутилмаган бошка мажбуриятлар бажарилмаганида;
- Таъминотчи вакилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва хисобга олиш курилмаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;
- фойдаланилган газ учун хисоб-китоб ўз вактида амалга оширилмаганлиги натижасида карздорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли микдорда олдиндан тўловлар амалга оширилмаганда, агар тарафларнинг келишувига мувофиқ шартномада олдиндан тўловлар назарда тутилган бўлса;
- Таъминотчининг ва "Ўзнефтгазинспекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда; - хисоблаш приборларига қасдан зарап етказилганда, прибор кўрсатгичларини ўзгаририш максалида уларнинг ишлишига тўскинилк килувчи хатти-харакатлар амалга оширилган ҳолатларда;
- газни хисобга олиш приборларига ташки таъсир кўрсатишга харакат килиш;

- Газдан фойдаланиш қоидаларига зид равища газ тармокларига ноконуний уланиш ёки бошка қоидабузарликлар ёхуд газни талон-тарож килиш ҳолатлари аникланганди;

Бунда Таъминотчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарап ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Газ истемолини хисобга олиш ва назорат килишининг автоматлаштирилган тизим (ТГҲНАТ) ларига уланган истемолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳак ундирилмайди.

## VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҶУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 7.1. Таъминотчи қуйидагиларга мажбур:

- мазкур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни ўрнатилган тартибда ва муддатларда бажариш;
- ўзига карашли бўлган газ тармокларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз хисобидан таъмирлаш-тиклаш;
- ўз газ тармокларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниклаш учун даврий кўздан кечириш;

- табии газ етказиб бериш кискарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истемолчиларни ҳабардор килиш;

- газ хисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камидан уч йил мобайнида ўзида сақланишини таъминлаш;

- шартноманинг 3.17.-бандига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилгунига қадар табии газ таъминотини қўшимча огохлантиришларсиз тармокдан ўчириш;

- табии газнинг рухсатсиз истемол килинганлиги, газ тармоклари моддий бойликларининг талон-тарож килинганлиги тўғрисида хукукни муҳофаза килиш органларини ҳабардор килиш;

- Истемолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- конунда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдимномасига асосан шартномага ўзгаришишлар киритиш;

- Таъминотчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларни бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истемолчиларнинг ички газ тармоклари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш:

- табии газ сизиб чикишида — дархол;

- овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;

- иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига (иситиш мавсумидан ташқари вактда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичидан алмаштириш; Таъминотчи конунчиликка мувофиқ бошка мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### 7.2. Таъминотчи қуйидаги ҳуҷуқларга эга:

- техник заруратга кўра, Истемолчини белгиланган тартибда ҳабардор килган ҳолда, табии газни етказиб беришни кискартириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармокларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аникланганда уларни белгиланган тартибда газ тармогидан узib қўйиш;

- Истемолчилардан табии газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишини талаб килиш;

- газ тармокларига авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, Истемолчи билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан ҳамда зудлик билан ҳабардор килган ҳолда, табии газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аникланган қоидабузарликлар бартараф этилгунига қадар аввалдан огохлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор килиш;
- Истеъмолчи мазкур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, унга табиий газ етказиб беришни тұхтатиши.

### **7.3. Истеъмолчи қуйидагиларға мажбур:**

- мазкур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни ўрнатылған тартибда ва муддатларда бажариш;

- хисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномасини ва хисоб-варакасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Таъминотчига электрон газ хисобдонини архив матылумотлари (распечатка) ёки газни хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш, ушбу маълумотларни тақдим қиласлик етказиб берилган табиий газ ҳакини тўлашдан бош тортиш деб баҳоланиди;

- ойлик истеъмол қилинган газ ҳажми ҳақидаги хужжатлар(табиий газ етказиб бериш ва қабул килиши далолатномаси, хисоб-варак фактура, солиштирма далолатномаси ва х.к.з)ни ўз вактида имзо(мухр) билан тасдиқлаб бориш, Истеъмолчи тақдим қилинган хужжатларни имзо(мухр) билан тасдиқлашдан бош торган тақдирда, ушбу холат етказиб берилган табиий газ ҳакини тўлашдан бош тортиш деб баҳоланиди;

- ташкилий хукукий шакли ўзгарган тақдирда ёки ЯТГга берилган гувоҳнома муддати тугаган тақдирда, бу ҳақда дархол Таъминотчига ёзма равища хабар бериш;

- шартномани разначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказганидан кейин уч кунлик муддат ичida асослантирувчи хужжатни Таъминотчига тақдим этиш;

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;

- газ хўжалиги газ кувурлари ва ускуналарини техникиҳатдан соз холатда саклаш;

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чикиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор килиш;

- ўзининг газ тармоқлари даҳлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланишларни аниглаш максадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равища кўздан кечириб чикиш;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойихасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;

- газ Таъминотчи вакиллари ва “Ўзнефтгазиспекция” ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни иsteъmol қилишини хисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вактида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш хукукига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

- табиий газ иsteъmolини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш максадида уларнинг ишланиши тўскинилик килувчи ҳаракатларни

амалга оширмаслик, уларнинг каслдан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатылған тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ иsteъmolини хисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аникланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дархол хабардор килиш.

- Газ тармоги бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ иsteъmolини хисобга олиш ва назорат килишининг автоматлаштирилган (ТГХНАТ-АСКУГ) тизимига уланган хисоблаш приборлари Иsteъmolчи томонидан ўрнатиши;

- Таъминотчи томонидан юборилган талабномаларга конунда назарда тутилган 15 кунлик муддат ичida жавоб кайтариш(белгилаган муддат ичida талабномага жавоб кайтармаслик табиий газ ҳакини тўлашдан бош тортиш деб баҳоланиши мумкин);

- Таъминотчи томонидан тақдим қилинган мурожаатларни қабул килиб олиб, конунчиликда назарда тутилган холларда уларни имзо ва муҳр билан тасдиқлаб бориш;

### **7.4. Иsteъmolчи Таъминотчидан қуйидагиларни талаб қилиш хукукига эга:**

- етказиб берилган табиий газнинг аникланган ҳажмига ва бошка параметрларга норози бўлган тақдирда, Таъминотчининг табиий газни иsteъmolини хисобга олиш приборлари ишланишининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив хужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимига риоя килган холда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани кайтариш;

- табиий газни етказиб берилган тармоқларни қонун хужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор килиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни коплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришини вактинча тўхтатиши;

Иsteъmolчи конунчилик хужжатларидан белгиланган бошка хукукларга эга бўлиши мумкин.

## **VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**8.1.** Тарафлар мазкур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни ўрнатылған тартибда ва муддатларда бажаришлари шарт.

**8.2.** Тарафлар, зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари бўйича амалдаги конунчилик хужжатлари билан жавобгарликни ўтайдилар.

**8.3.** Таъминотчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлик етказиб бермаганлик учун куйидаги холларда жавобгар хисобланмайди:

- а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармокларига кўшимча газдан фойдаланиш ускунасини руҳсатсиз улаш холати аникланганида;
- б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмагандаги;
- в) конун хужжатларида назарда тутилган холатларда.
- г) истеъмолчи мазкур шартнома ва/ёки унинг асосида берилган кафолат хатлари бўйича зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганида;
- д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1.бандларида кўрсатилган холларда.

**8.4.** Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Таъминотчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Конуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, куйнаги холатлар бундан мустасно:

- а) форс-мажор холатлар;
- б) магистрал газ қувурларида ва газ тармокларида авария холатлари юз берганда; в) киш даврида вақтинча газ етказиб бериш чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабргаги 277-сон карорлари, шунингдек, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри хокимликлари карорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб кўйилмайдиган обьектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташкари);
- г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмагандаги.

**8.5.** Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларида мос келмаганда, Истеъмолчи газ кабул қилиши ёки унинг учун ҳак тўлашни рад этганда Таъминотчидан етказиб берилган сифати зарур даражала бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлашни талаб қилиш хукукига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Таъминотчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш хукукига эга.

**8.6.** Таъминотчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилгандаги, Таъминотчи Истеъмолчига муддати ўтган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи микдорида, бирор етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пения тўлайди.

**8.7.** Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳаки ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, бирор муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пения тўлайди.

**8.8.** Мазкур шартнома билан назар тутилмаган шартлар Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон карорига илова(2) килинган “Табиий газдан фойдаланиш Коидалари” хамда бошка конунчилик нормалари билан тартибга солинади.

## IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

**9.1.** Ушбу шартноманинг хар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга карши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб колмасдан, барча амалдаги конун ва коидаларга оид шартларни ва талабларни тадбик этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

**9.2.“Истеъмолчи” “Таъминотчи”га мазкур шартнома доирасида куйидагиларни кафолатлайди ва куйидаги мажбуриятларни хам ўз зиммасига олади:**

Шартноманинг амал килиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошка вакиллари), истеъмолчи мағфаатлари учун агент ёки вакил сифатида харакат килиб, “Таъминотчи”нинг коррупцияга карши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча конун ва коидаларига катъий риоя киласди.

## X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

**10.1.** Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда, Тарафлар коидага кўра, уларни талабнома жўнатиш орқали судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар. Тарафлар талабномани олган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичидаги унга жавоб кайтаришлари шарт, акс холда ушбу холат конунбузилиш холати сифатида баҳоланади. Талабнома буюртма ёки кимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек, тарафларнинг расмий веб сайтидаги, Давлат статистика қўмитасининг интернетдаги корхона ва ташкилотлар хакидаги жойлаштириган маълумотларидаги электрон почта манзиллари ёки телеграмм ракамларига жўнатилиши мумкин.

**10.2.** Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишли иқтисодий судга ёки Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилояти худудий бошқармаси хузуридаги доними фаолият кўрсатувчи Ҳакамлик судимурожаат килишга ҳаклидир, ташлаш хукуки даъвогарда колади.

**10.3.** Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартаришига йўл кўйилмайди, конунда белгиланган холатлар бундан мустасно.

## XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

**11.1. Томонлар:**

- а) табиий оғатлар;
- б) магистрал газ қувурларида ва газ тармокларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ қазибчикариш жойларида кутильмаган авария вазиятлари юзага келганда, шунингдек енгид бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий оғатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошкини, ёнғин чикиши, ер кимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида хамда Ҳукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмай колганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беринши тўхтатиш, кискартириш

ёки муносабатларни тўхтатиш хукукига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор холатлар юзага келган тақдирда, тарафлар хар кандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган холатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сақсланиб турсатомонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги карор кабул киладилар.

## XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартериш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилши хамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралидаги ПИ-594-сон карорига асосан Газничлик бўлими томонидан мажбурий тартибида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома 2022 йил 31 марта бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат килмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилди, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат килмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади. Бюджетдан маблаг олувчилик хар йили “2022” йил 31 март санаисига” амал килишлари лозим.

## XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилган, иккала нусхаси хам бир хил юридик кучга эга.

## XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТИЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

<b>«ТАММИНЧИ»</b> «Худудгиз Сирларё» газ таъминот филиали Гулистан шахар, А. Темур кўч.65 уй х/р <i>126340663143960426</i>	<b>«ИСТЕЙМОЛЧИ»</b> <i>Муҳоббод тунис АТБ</i> <i>Муҳоббод тунис Исломжон</i> <i>Муроҷаотчилик аудзе</i> х/р <i>100022860242287091100151017</i> Банк Гази. ш. М. Б. Д. и. К. Ч <i>Муҳоббод тунис АТБ</i> МФО: <i>305153605</i> , ИИН: <i>305153605</i> Тел: <i>67 310-12-68</i> Рахбар: <i>М. Узумов</i> Имзо:
----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Рахбар: *М. Узумов*  
Имзо:

Рахбар: *М. Узумов*  
Имзо:

Рахбар: *М. Узумов*  
Имзо:

Рахбар: *М. Узумов*  
Имзо:

## Юрист хуосаси:

Мен, ушбу шартномани амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юртигувчи субъектларнинг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Конуни ва бошка конун хужжатлари асосида хукукий экспертиза килиб, ушбу шартномада кўрсатилган муносабатлар юкорилаги конун хужжатлари билан тартибга солиниши, тарафларнинг хукук ва мажбуриятлари, хисоб-китоб тартиби, газни етказиб берниш ва узб кўйиш тартиби, тарафларнинг мулкий жавобгарлиги, низоларни ҳал этиши тартиби талабларга мувоффиклигини билдираман. Шу сабабли ушбу шартномани имзоласа бўлади деб хисоблайман.

(Ф.И.Ш.)

(имзо, мудр)

(сана)

2022 йил «5»январдаги *01/02-00-76*-сон шартномага ИЛОВА

Фойдаланишга кабул қилинган газдан фойдаланиш ускуналари РЎЙХАТИ  
Фаолият тuri: *Таджик-тарбие леуиссанси*

Кадастар

Табиий газ тарифи *660* сўм *00* тийин

T/r	Корхона, участка, цех номи	Агрегатлар		Лойиҳавий газ сарфи, м.куб/соат	Газни хисобга олиш приборларнинг турлари
		номи	сони		



18



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyeklini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"HUDUDGAZTA'MINOT" Aksiyadorlik jamiyatি

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"HUDUDGAZTA'MINOT" AJ

(Yuridik shaxsning qisqartilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

27.07.2019

747007

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

306605769

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Aksiyadorlik jamiyatি

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Muqimiy ko'chasi, 98-uy,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



**YuRIDIK AHAMIYaTGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA  
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi: shartnoma.

2. Loyihaning nomi Mirzaobod tuman Maktabgacha ta'lismi bo'limi xamda "Худуд газ Сирдарё" AJ o'rtaida tabiiy gaz etkazib berish yuzasidan 2022 yil 05 yanvarda tuzilgan 01/12-0076-sonli shartnomasi.

NN73083657

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot Mirzaobod tuman Maktabgacha ta'lismi bo'limi tomonidan 2022 yil 20 yanvar kuni dasturga kiritilgan.

4. Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Mirzaobod tuman yuridik  
Xizmat ko'rsatish  
markaz boshlig'i



X.G.Xalimov

20.01.2022 yil